

The Importance of Foreign Investment in Increasing the Export Activity of the Country

Azimova Hulkar Egamberdievna 1

Аннотация.

Ушбу мақолада хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва мамлакатнинг экспорт фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган бўлиб, статистик малумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳудудлар бўйича экспорт ва импорт товарлар таркиби таҳлил қилинган. Мақолада мамлакатнинг экспорт фаолиятини хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантириш масалаларидаги мавжуд муаммолар ва уларни олдини олишга қандай чора-тадбирлардан фойдаланиш кераклиги ёритилган. Хусусан, мамлакатнинг экспорт фаолиятини хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантиришни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Инвестиция, хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инфратузилма таркиби, инвестицион лойиҳалар, ташқи савдо айланмаси, ташқи иқтисодий фаолият, модернизация, диверсификациялаш, экспорт, импорт

1 Senior Lecturer of the Department of Accounting and Auditing at Karshi Engineering and Economics Institute

Кириш. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш суръатларини кўпайтириш ва бу орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, аҳоли ўртасидаги ижтимоий муаммоларни камайитириш мақсадида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Жаҳонда иқтисодий рақобат кучайиб бораётган бир пайтда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ташқи бозорга мустаҳкам ўрин эгаллаш муҳим ҳисобланади. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда бир қатор афзалликларни жорий этилишни тақозо этади. Хусусан, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида янги истиқболда инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш вазифаларини амалга ошириш белгилаб олинган. Мамлакатда қулай инвестициявий муҳитни яратилиши инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири бўлиб қолмоқда¹.

Юртимизда хорижий инвестицияларнинг кенгроқ жалб этилиши асносида миллий иқтисодиёт барқарор ўсишининг пойдеворини яратишда, ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги номутаносибликларни бартараф этишга, шунингдек ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга ҳамда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга имкон яратмоқда. Олиб борилаётган тизимли чоратadbирлар қанчалик кенг кўламли ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда йўналтирилганлигига қарамасдан, инвестиция муҳитини яхшилаш, самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш ва тармоқларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар ҳанузгача мавжуд. Ваҳоланки, бугунги кунда аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда уларнинг турмуш сифатини яхшилаш мақсадида янги иш ўринларини яратиш, айниқса ҳудудларда ишлаб чиқариш суръатларини кенгайтириш масаласига қаратилган ишларнинг амалий жиҳатлари ўта долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ҳозирги кунда хорижий инвестицияларнинг моҳиятини тарифлашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Иқтисодчи олимнинг хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қуйидагича [Д.Ғозибеков, 2003] ифодаланган: “Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради”. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий инвестициялар бир мамлакат иқтисодиётидан мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётига кўчувчи капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан ички инвестициялардан фарқланади. Айрим иқтисодчилар хорижий инвестицияларнинг умумий тарифини “Хорижий инвестициялар– бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>.

мамлакат худудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар” [Global Marketing Strategies, 2015]-дея тарифлаган бўлсалар, бошқа иқтисодчи олимлар ўз илмий ишларида хорижий инвестицияларнинг моҳияти тўғрисида: “Келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар (кўчар,кўчмас мол-мулк, интеллектуал бойликлар ва бошқалар) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, лицензия ва комисион мукофотлар, роялти, техник таминол ва бошқа мукофотлар)ни кўйилишига хорижий инвестициялар дейилади” [Н.Кўзиёва,2008]-деган тарифни келтирган. Олимнинг фикрича,хорижий инвестицияларни турли белгиларига асосланган ҳолда таснифлаш уларнинг иқтисодий моҳиятини янада мукамаллаштиради. Шунингдек, бошқа иқтисодчи олимлар [Ш.Қ.Фозилчаев ва Н.Г.Хидировлар, 2017] ”Хорижий инвестициялар-бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш,самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкрий, молиявий, интеллектуал бойликлардир”-дея такидлаганлар.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий ва тизимли таҳлил, маълум белгиларга кўра таснифлаш,таҳлил ва синтез, назарий ва эмперик адабиётларни танқидий таҳлил қилиш ва ёндашувларни таққослаш усуллари қўлланилди. Ушбу усуллар орқали мамлакат иқтисодиётининг экспорт фаолиятини хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантириш масалаларини танқидий таҳлил қилиш ҳамда хулосаларни умумлаштириш имконияти яратилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакат ривожини, аҳоли турмуш даражасини ва фаровонлигини оширишда хорижий инвестициялар ўрни бекиёсдир. Шунинг экан, кейинги вақтларда юртимизда хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароитлар, кўшимча имкониятлар ва имтиёзлар бериш устувор вазифага айланган. Авваломбор,қабул қилувчи мамлакат хорижий инвестициялар ҳисобига олинадиган, таъминланадиган афзалликларнинг энг муҳим мезонини таъминлаши учун жозибодор инвестиция муҳитини яратиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳар бир иқтисодий янгиланиш ҳамда иқтисодий ўсиш жараёни инвестициялар ҳажми ва таркиби, уларни амалга ошириш сифати ҳамда муддатлари билан бирга белгиланмоқда.

Бунинг учун эса ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини оширишда, мазкур соҳадаги бошқарувни такомиллаштириш, саноат йўналишидаги субъектларни бошқариш ва иқтисодий рағбатлантириш тизимини жорий этилишига кўп жиҳатдан боғлиқлигини тақозо этмоқда.

Президентимиз такидлаганларидек, “Бу йил экспортёрларга кафилик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган - Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун - Экспорт-кредит агентлигини ташкил этилади. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозим”²

Дарҳақиқат, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришилганлигини кўришимиз

²Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил.29декабр. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида 2020 йил якунларига кўра, экспорт ҳажми 15,1 млрд долларни ташкил этган. Шу билан бирга, 47 турдаги янги маҳсулотларни экспортга етказиб бериш йўлга қўйилди ҳамда бир қанча мамлакатларнинг янги истиқболли бозорларига чиқишга эришилди. 2021 йилда эса 17 млрд долларлик товар экспорт қилиниши кутилмоқда.³ Бунга қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ипакчилик, электротехника ва бошқа соҳаларда экспорт ҳажмининг сезиларли даражада оширилиши ҳисобига эришилиши прогноз қилинмоқда. Бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Хусусан, 2021 йилда инвестиция ва ташқи савдо фаолиятида кутилаётган кўрсаткичлар прогнозига кўра, хорижий инвестициялар ҳажми 10,5 млрд. долларни ташкил этиб, шундан 7,6 млрд. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Ўз навбатида, 226 та йирик юқори иқтисодий аҳамиятга эга саноат лойиҳа ишга туширилади ва 34 мингта иш ўрни яратилади. Экспорт товарлар диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури, айниқса хом ашё улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш имконини яратиб, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтирмоқда.

2020 йилнинг январ-ноябр ойларида мамлакатнинг экспортёрлари сони 6109 тани ташкил этиб, улар томонидан 9323,3 млн АҚШ доллари қийматидаги, яъни бунда қимматбаҳо металллар экспортдан ташқари, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 25,7 %га камайганлиги кузатилди ҳамда товарлар ва хизматлар экспорт қилиниши тaminланди. Яъни, экспорт таркибидаги товарлар улуши 86,8 %ни ташкил этиб, унда саноат товарлари 19,2%ни, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 8,8%ни ва кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар 5,4%ни ташкил этди. Ушбу ҳолатга тўлиқ амин бўлиш учун 1-жадвални кўриб чиқамиз.

1-жадвал Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларга амалга оширган экспорт ҳажми ва ўсиш суръатлари (январ-декабр, йиллар кесимида)⁴

т/р	Давлатлар	млн. АҚШ доллари		Ўсиш сурати, %да		Ўрни	
		2019	2020	2019	2020	2019	2020
1	Хитой Халқ Республикаси	2528,7	1930,9	87,9	76,4	2	1
2	Россия Федерацияси	2531,9	1470,1	119,6	58,1	1	2
3	Туркия	1217,6	1016,3	128,9	83,5	4	3
4	Қозоғистон	1393,0	903,0	103,0	64,8	3	4
5	Афғонистон	617,0	774,6	102,4	125,6	6	5
6	Қирғиз Республикаси	669,6	756,6	2,56.	113,0	5	6
7	Тожикистон	327,6	404,6	137,9	123,5	7	7
8	Канада	6,5	142,1	131,7	21,96.	40	8
9	Эрон	219,9	140,9	127,2	64,1	8	9
10	Тожикистон	144,3	128,0	2,46.	88,7	11	10
11	Украина	119,4	122,8	119,3	102,8	12	11

³<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси сайти.

⁴https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=100&id=78&Itemid=1000000000000 - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси сайти.

12	БАА	152,6	98,8	2,36.	64,8	10	12
13	Покистон	97,9	98,5	3,06.	100,6	15	13
14	Франция	214,7	89,0	109,4	41,4	9	14
15	Германия	62,2	70,5	116,0	113,2	16	15
16	Полша	41,5	57,3	109,3	138,2	20	16
17	Сингапур	34,2	55,7	47,8	162,9	23	17
18	Озарбайжон	52,2	54,0	146,5	103,5	18	18
19	Корея Республикаси	102,9	45,5	94,7	44,3	14	19
20	Буюк Британия	105,7	44,9	60,6	42,5	13	20

1-жадвал малумотларидан кўришимиз мумкинки, коронавирус пандемияси туфайли 2020 йил мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун оғир йил бўлди. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан мамлакатимизда амалга оширилган экспорт ҳажми кескин камайди, жумладан, ХХР 76,4 %, Россия Федерацияси 58,1 %, Корея Республикаси 44,3 %, Буюк Британия 42,5 %, Франция 41,4 %, Туркия 83,5, Қозоғистон 64,8 %, Эрон 64,1, Тожикистон 88,7 % ва БАА 64,8 %ни ташкил этган. Юзага келган мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги”, “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан кичик саноат зоналарига муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониятларни тақдим этувчи янада устувор бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга маблағларни қайта йўналтирган ҳолда Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиш вазифаси белгилаб берилди⁵.

Дарҳақиқат, бугунги кунда экспорт товарлар диверсификациясини ошириш, нафақат республика миқёсида балки ҳудудларда амалга оширилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларда экспорт товарлар таркибида ижобий силжишлар рўй берганлигини биргина Қашқадарё вилояти мисолида таҳлил қилганимизда, (2-жадвал) экспорт товарлар таркибидаги ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

2-жадвал Қашқадарё вилояти экспортнинг товар таркиби⁶

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Экспорт жами (млн.АҚШ долл.)	239,0	226,3	270,8	366,1
Экспорт жами, фоизда	88,6	119,6	119,2	135,2
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):	31,3	37,9	35,4	44,4
Пахта толаси	141,8	64,7	48,5	68,2
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	46,6	64,3	68,2	68,5
Қора ва рангли металллар	0,0	0,0	0,0	0,1
Машина ва ускуналар	0,3	0,2	0,1	1,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	20,2	37,9	31,3	97,9
Энергия ресурслари	7,1	9,2	30,2	30,2
Хизматлар	11,2	20,5	9,4	7,0
Boshqalar	11,7	29,6	83,0	92,6

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавируси пандемияси глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чор-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4770761>.

⁶<https://www.qashstat.uz/index.php/uz/438-biulleteny-uz/4630-press-relizlar-> Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси сайти.

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2016 йилдаги 141,8 фоиздан 2019 йилда 68,2 фоизга камайиши кузатилган бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари 2016 йилда 20,2 фоиздан 2019 йилда 97,9 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Худди шунингдек, энергия ресурслари 2016 йилдаги 7,1 фоиздан 30,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. 2016-2019 йилларда вилоятнинг экспорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Худудни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта курулантириш тадбирларининг кенг миқёсда амалга оширилишини таъминлаш жами экспорт таркибида пахта хом-ашёсини камайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўлга қўйилмоқда.

Умуман олганда, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодий таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида кўриб чиқилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг экспорт фаолиятини оширишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, таҳлилий материаллар мазмунига асосланиб қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин.

биринчидан, экспортни қўллаб-қувватлаш, хусусан, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорга чиқишига кўмаклашиш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этади;

иккинчидан, жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш, уларни ташқи бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириб бориш;

учинчидан, мамлакатда маҳаллий хом-ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини янада кенгайтиришни таъминлаш;

тўртинчидан, транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш, янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш, тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Натижада мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари янада ортади, яъни импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш имконияти кенгайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4770761>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил. 29декабр. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
4. Вахобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. “Хорижий инвестициялар” Ўқув қўлланма –Т.: “Молия” 2010. -324 б.
5. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: “Молия”, 2003. - 45 б.
6. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати.-Т.:БМА, 2008. -11 б.